

**Ўзбекистон Республикаси Номидан**  
**ХУ КМ**

2007 йил 15 май куни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туман суди уз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи, судья Ражабов Д.М.,

Халқ маслахатчилари Эсанов К., Рафиқов Х.Х.,

Суд мажлиси котиби Нуриддинов З.Н.,

томонлардан туман прокурори Йулдошев Э.Т., химоячи Содикова Г.ТТТ. иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168 моддаси учинчи қисми «А» банди, 28-211 моддаси учинчи қисми «А» банди билан айбланган:

1962 йил Тошкент шаҳрида тугилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, маълумоти олий, х/х мажбур, хусусий тадбиркор, мукаддам судланмаган, Тошкент шаҳар Учтепа тумани Истирохат кучаси 13 уйда истикомат қилувчи, эҳтиёт чораси муносиб ҳулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат, айблов ҳулоса нусхасини уз вақтида олган **Хасанов Аҳмаджон** Мансуровичга нисбатан 1-152/2007 сонли. жиноят ишини куриб,

Суд судланувчи, жабрланувчи, гувоҳни қурғазмаларини эшитиб, иш материалларини тафтиш қилиб, томонлар фикрини тинглаб, йигилган далилларга юридик баҳо бериб қуйидагиларни

**А Н И К Л А Д й :**

Хасанов А.М. 2006 йил 9 март куни узганинг мол мулкани алдаш ва ишончини суистеъмол қилиш йули билан қулга қиритиш мақсадида узининг яшаш жойи, яъни Тошкент шаҳар Учтепа тумани Истирохат кучаси 13 уйга фуқаро Сатторов Ж.Б. келиб унта уқаси Сатторов Ризақул ва жияни Эшмуродов Жасурларни қамокдан чиқариб беришга ёрдам беришлигини сураганида, Хасанов А.М. унта узини қатта амалдор таниш билишлари борлигини, ушалар орқали уқаси ва жиянини қамокдан чиқариб беришини айтган. Сатторов Ж.Б.ни ишончига қириб, алдов йули билан, «мен қатта амалдор шахсга беришим қерак» деб, ундан 5.500 АҚШ долларини, 2006 йил июнь ойини бошларида эса уйдан фуқаро Сатторов Ж.Б.га қунгирок қилиб, унга уқаси Сапоров Ризақул ва жияни Эшмуродов Жасурларни қамокдан чиқариб бериши учун аввал берилган 5.500 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни, мансабдор шахсга берганлигини, уша пулларни қайтариб ололмаслигини, у пуллар етмаслигини айтиб яна 5.000 АҚШ доллари олиб қелмаса, аввалги берилган 5.500 АҚШ долларига қуйиб қолиши мумкинлигини маълум қилиб, яна 5.000 АҚШ долларини олиб, жами бўлиб жабрланувчига 10.500 АҚШ доллари миқдорида жуда қун моддий зарар етқазиб қулга қиритган ва ушбу пулларни уз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

Жабрланувчи Саттаров Ж.Б.га қелтирилган 10 500 АҚШ доллари миқдоридаги зарар судланувчи Хасанов А.М. томонидан тулик қопланган.

Суд мажлисида сурок қилинган судланувчи Хасанов А.М. эълон қилинган айбига тулик иқрорлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам у 2006 йил 8 март куни уни уйига бир вақтлар талабалик йилларида у билан танишган Абдиев Олимжон ва уни қариндоши Сатторов Жумақуллар, Сатторов Ж.нинг уқаси Сатторов Ризақул ва Эшмуродов Жасурларни қамокдан чиқариб бериш тугрисида ёрдам сураб қелганликларини, шунда у уларни алдаб, қулидан бу ишни амалга ошириш қелмасида, пулларни қулга қиритиш мақсадида уларни алдаб 5.000 АҚШ долларини шу ишни ҳал қилиш қерак бўлгани қатта амалдор одамга бериш учун, узига эса 500 АҚШ долларини йул ҳаражатларига олиб қелишини уларга айтиб,

албатта ёрдам бера олишини уларга тайинлаганлигини, эртаси куни яъни 9 март 2006 йил куни эрталаб у айтган 5.500 АҚШ долларини улар унга етқазиб олиб қелиб

беришганлигини, бу пулларни кулга киритганидан сунг уз эхтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини ва уларни 2006 йилни июнь ойини бошларига кадар «эрта киламан индин киламан» деб турли бахоналар билан алдаб келганлигини, июн ойини бошларида яна уларни алдаб 5.000 АКШ долларини олиб келишини телефон оркали хабар килиб, улар олдин берган пулларни катта амалдорга берганлигини, агарда у айтган яна 5.000 АКШ долларини олиб келмаса олдин берган пуллари хам куйиб кетишини айтганлигини, эртаси куни Абдиев О. ва Сатторов Ж. лар у айтган 5.000 АКШ долларини етказиб келишганлигини, бу пулларни хам у узини эхтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, ва уларни турли ваъдалар бериб алдаб юрганлигини, хозирда килган ишидан пушаймон эканлигини ва уни кечиришларини сурашлигини, жабрланувчига келтирилган зарарларни тулик коплаб берганлигини айтиб, суддан енгиллик суради.

Судланувчи Хасанов А.М.нинг айби, унинг икrorлик курсатмаларидан ташкари судда мухокама килинган бошка далиллар билан хам тулик уз тасдигини

ε топади.

Суд мажлисида сурок килинган жабрланувчи Сатторов Ж.Б. курсатмалари билан, яъни хакикатдан хам 2006 йилни январь ойида Бухоро вилояти Коравул бозор неъфт куйиш шахобчасида ишловчи укаси Сатторов Ризакул ва жияни Эшмурадов Жасурларга нисбатан Бухоро вилояти МХХ томонидан жиноят иши кузгатилиб улар камокка олинганлигини, улар нима килишини билмасдан юрганида кариндоши Абдиев Олимжон уни Тошкент шахрида бир таниши борлигини айтиб уша ёрдам бера олади деб унга айтиб, уни Тошкентгт шахар Учтепа тумани Истирохат кучаси 13 уйда яшовчи Хасанов Ахмаджонни уйига 08 март куни бошлаб келганлигини, Хасанов А.га вазиятни тушунтириб ундан ёрдам

\* сураганида у албатта ёрдам кила олишини, уни МХХда катта амалдор таниши борлигини, уша оркали уни якинларини камокдан чикара олиши мумкинлигини айтиб улар дан 5.500 АКШ долларини сураганлигини, 5000 АКШ долларини катта амалдорга беришини, 500 АКШ долларини эса йул харажатларига ишлатишини айтганлигини, улар эртаси куни яъни 09 март 2006 йил куни етказиб келиб унга беришганлигини, укаси ва жияни ун кун муддат ичида чикиб кетишини Хасанов А.М. айтган булсада, лекин кариндошлари у айтган муддатда озодликка чикмаганликларини, уларни 2006 йилни ёз ойларига кадар Хасанов А.М. турли бахоналар билан алдаб келганлигини, лекин кариндошларини озод килиш учун хеч кандай харакат килинмаганлигини, 2006 йил июнь ойини бошларида уларникига Хасанов А.М. кунгирок килиб, яна 5000 АКШ долларини сураганлигини, олиб келмаса олдинги пуллари хам куйиб кетишини айтганлигини, шу 5000 АКШ долларини олиб келса укаси ва жияни албатта камокдан чикиб кетишини айтганлигини, улар эртаси куни пулни етказиб келиб унга беришганлигини. лекин шундан сунг хам ахвол узгармаганлигини, Хасанов А.М. яна уларни турли бахоналарни важ килиб алдаб юрганлигини, охири унга «мен пулни бермайман, сизлардан хеч нарса олганим йук, агарда пул керак булса ёшларни укишга киришга олиб келсангиз, уларни укишга киритаман, пулини эса узингиз улардан оласиз, шу билан орамиз очик булади» деганлигини, сунг ариза ёзганлигини, хозирда унга етказилган моддий зарар тулик копланганлигини, уни Хасанов А.М.га хеч кандай даъвоси йуклигини, уни кечирганлигини, имкон кадар

\* жазоламасликни баён килди.

Суд мажлисида сурок килинган гувох Абдиев О.С. курсатмалари билан, яъни хакикатдан хам Сатторов Жумакул уни кариндоши булишлигини, 2006 йилни январь Ойида Бухоро вилояти коравул оозор неъфт куйиш шаАиичча^ида ишловчи Сатторов Ж.нинг укаси Сатторов Ризакул ва жияни Эшмурадов Жасурларга нисбатан

жиноят иши кузгатилиб улар камокка олинганлигини, шунда у уларга Тошкент шахрида бир таниши борлигини айтиб уша ёрдам бера олишлигини айтиб, Сатторов Ж.ни Тошкентгт шахар Учтепа тумани Истирохат кучаси 13 уйда яшовчи Хасанов Ахмаджонни уйига 08 март куни бошлаб келганлигини, Хасанов А.га вазиятни тушунтириб ундан ёрдам сурашганлигини, Хасанов А.М. албатта ёрдам кила олишини, уни МХХда катта амалдор таниши борлигини, уша оркали Сатторов Жумакулни якинларини камокдан чиқара олиши мумкинлигини айтиб улардан 5.500 АКШ долларини сураганлигини, 5.000 АКШ долларини катта амалдорга беришини, колган 500 АКШ долларини эса йул харажатларига ишлатишини айтганлигини, улар эртаси куни яъни 09 март 2006 йил куни етказиб келиб унга беришганлигини, Сатторов Ж.нинг укаси ва жияни ун кун муддат ичида чиқиб кетишини Хасанов А.М. айтган булсада, лекин Сатторов Ж.ни кариндошлари у айтган муддатда озодликка чиқмаганликларини, уларни 2006 йилни ёз ойларига кадар Хасанов А.М. турли бахоналар билан алдаб келганлигини, лекин кариндошларини озод килиш учун хеч кандай харакат килинмаганлигини, 2006 йил июнь ойини бошларида Хасанов А.М. Сатторов Ж.га кунгирок килиб, яна 5000 АКШ долларини сураганлигини, олиб келмаса олдинги пуллари хам куйиб кетишини айтганлигини, шу 5.000 АКШ долларини олиб келса укаси ва жияни албатта камокдан чиқиб кетишини айтганлигини, улар эртаси куни пул ни етказиб келиб унга беришганлигини, лекин шундан сунг хам ахвол узгармаганлигини, Хасанов А.М. яна уларни турли бахоналарни важ килиб алдаб юрганлигини, охири унга «мен пулни бермайман, сизлардан хеч нарса олганим йук, агарда пул керак булса ёшларни укишга киришга олиб келсангиз, уларни укишга киритаман, пулини эса узингиз улардан оласиз, шу билан орамиз очик булади» деганлигини, сунг Сатторов Ж. ариза ёзганлигини баён килди.

Суд, томонлар розилиги билан суд мажлисига маълум булмаган сабабларга кура келмаган гувоҳлар Холиков А.Ч., Гойибова К. хамда Турдиева Ф.ларнинг дастлабки терговда берган кургазмаларини уқиб эшиттирди ва урганиб чикди. Судланувчи Хасанов А.М. ушбу курсатмаларни тулик тасдиқлади. Суд, ушбу курсатмаларни объектив далил деб хисоблайди.

Шунингдек судланувчи Хасанов А.М. айби иш хужжатларида уз аксини топтан бир катор хужжатлар, яъни Гойибова К. аризаси билан (и.в.3), тушунтириш хатлари билан (и.в.8-15), гувоҳларни сурок килиш баённомаси билан (и.в.19-24, 27-41,62,64), юзлаштириш баённомалари билан (и.в.50-53), нарсани далилий ашё деб эътироф этиш хақидаги қарор билан (и.в.55), тилхат билан (и.в.68) ва ишдаги бошка хужжатлар билан тулик тасдиқланади.

Суд судланувчи Хасанов А.М.нинг жинойи харақатлари квалификациясини муҳокама килиб унинг харақатлари фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол килиш йули билан узганинг мулкани жуда куп микдорда эгаллаш аломати буйича Узбекистон Республикаи ЖКнинг 168 моддаси учинчи қисми «А» банди билан хамда жуда куп микдордаги моддий кимматликларни мансабдор шахсинг уз хизмат мавкейидан фойдаланган холда содир этиши лозим ёки мумкин булган муайян харақатни пора берган шахсинг манфаатларини кузлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита, қонунга хилоф равишда эканлигини била туриб моддий кимматликларни беришда иштирок этиш аломатлари буйича Узбекистон Республикаи ЖКнинг 28-211 моддаси учинчи қисми «А» банди билан тугри квалификацияланган деб хисоблайди.

Суд, судланувчи Хасанов А.М.га жазо тайинлашда Узбекистон Республикаси ЖКнинг 55,56 модда талаблари, Олий суди Пленуми 2006 йил 03 февраль кунги 1 - сонли «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тугрисида»ги Карори рахбарий курсатмаларига амал килган холда, жиноят жазони огирлаштирувчи холатларсиз содир этилган деб хисоблаб, жазони енгиллаштирувчи холатлар деб унинг уз айбига тулик икrorлигини, килмишидан чин кунгилдан пушаймонлигини, келтирилган зарар тулик копланганлигини, жабрланувчини хеч кандай даъвоси йуклигини ва кечирганлигини, шахсини, яъни мукаддам судланмаганлигини, содир килинган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, унта нисбатан Узбекистон Республикаси ЖКнинг 57 моддасини куллаган холда жазо тайинлашни мақсадга мувофик деб топади.

Иш буйича далилий ашё деб эътироф этилган 5000 АКШ доллари тилхат оркали жабрланувчи Саттаров Ж.Б.га кайтарилганлигини суд инобатга олади.

Юкоридагиларга асосан ва Узбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига риоя килиб, суд хукм килади

## Х У К М

**Хасанов Ахмаджон Мансурович** Узбекистон Республикаси ЖКнинг 168 моддаси учинчи кисми «А» банди ва 28-211 моддаси учинчи кисми «А» бандида курсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Хасанов А.М.га:

Узбекистон Республикаси ЖКнинг 168 моддаси учинчи кисми «А» банди билан ойлик иш хакидан 20% давлат фойдасига ундирган холда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Узбекистон Республикаси ЖКнинг 28-211 моддаси учинчи кисми «А» банди J билан ЖКнинг 57 моддасини куллаб ойлик иш хакидан 20% давлат фойдасига ундирган холда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Узбекистон Республикаси ЖКнинг 59 моддасига асосан Хасанов А.М.га тайинланган жазоларни кисман кушиш йули билан узил-кесил ойлик иш хакидан 25% давлат фойдасига ундирган холда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо унинг яшаш жойи буйича ички ишлар идоралари шу турдаги жазоларни ижро этиш булими белгилаб берган жойларда утаттирилсин.

Жазо муддати хукм ижрога каратилган кун дан хисоблансин.

Хасанов А.М.га нисбатан танланган эхтиёт чораси хукм конуний кучга киргач бекор килинсин.

Хукмдан норози томонлар мазкур туман суди оркали, жиноят ишлари буйича Тошкент шаҳар судига 10 кун муддат ичида апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришга хакли.

**Раислик килувчи, судья:**

**Халк маслахатчилари:**



**Ражабов Д.М.**

**Эсанов К.**

**Рафиков Х.Х.**